

ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Джафарова Д.И.

ЎзМу, Француз филологияси кафедраси мудир,
филология фанлари доктори, доцент.

Аннотация: Таржима аслиятдаги ахборотни китобхонга тушунарли тарзда етказиш жараёни бўлиб, китобхон матнни ўқиб ахборотни қабул қилувчига айланади ҳамда унда матнда ифодаланган ахборотга нисбатан муайян бир муносабат ҳосил бўлади. Мазкур мақолада таржима, таржимашунослик ва итаржима муаммолари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таржима, таржимашунослик, прагматик муносабатлар, таржима муаммолари, лексикография, лингвистик таҳлил.

Аннотация: Перевод – это процесс передачи читателю исходной информации в понятной форме, при этом читатель становится получателем информации после прочтения текста, и формируется определенное отношение к информации, выраженной в тексте. В данной статье рассматриваются проблемы перевода, переводоведения и перевода.

Ключевые слова: перевод, переводоведение, прагматические отношения, проблемы перевода, лексикография, лингвистический анализ.

Abstract: Translation is the process of conveying the original information to the reader in an understandable way, the reader becomes the recipient of the information after reading the text, and a certain attitude is formed in relation to the information expressed in the text. This article discusses the problems of translation, translation studies and translation.

Keywords: translation, translation studies, pragmatic relations, translation problems, lexicography, linguistic analysis.

Ҳаммамизга маълумки, бадий таржима - таржиманинг ўзига хос турларидан бири бўлиб, у бадий жанр ва унинг кичик жанрларини таржима тилидаги асарнинг бадий деталларига, бадийликнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган жараёндир. Бадий адабиёт таржимасининг хусусиятлари уни таржима фаолиятининг бошқа турлари билан қиёслаганда намоён бўлади.

Болгар назариячиси Александр Людеканов таржиманинг турли турлари учун умумий тушунча мавжудлигини қайд этган. Назариячи олим таржиманинг барча турларининг мақсади бир хил аслият билан мос келувчи инвариант ахборотни бериш фикрини илгари сурган. А. Людеканов ягона ва терминологик жиҳатдан бутун бўлган бир ягона таржима назариясини яратишга муваффақ бўлган. Сўнгги йилларда, аниқроғи XX асрнинг охири XXI аср бошидан таржима ва таржимашунослик муаммолари лингвокультурологик ҳамда когнитив жиҳатлардан ҳам ўрганила бошланди. Бунда таржимашунослик лингвистика ва лингвокультурология ўртасидан ўрин олган оралик билимлар соҳаси деб қаралади. Бунга сабаб таржима нафақат тиллар, балки маданиятлар диалогини амалга оширишда ёрдам беради.

Таржимашуносликда таржимаолди матн таҳлили деган тушунча кенг тарқалган. Матнни таржима қилишдан олдин уни лингвистик жиҳатдан қайси тил бирлиги нуқтаи

назаридан кўриб чиқишга, объекти ва предметига қараб таҳлил этилади. Матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш ўз ичига бир неча босқични олади. Буларга тил ҳодисаларини лингвистик таҳлил асосида тилнинг ҳар бир соҳаси талабига кўра матнни таржима қилишдан олдин уни бир тилда нутқ бирлиги, таржимада эса таржима бирлиги сифатида майда ва айни пайтда маънога эга бўлақларга, қисмларга ёки унсурларга бўлиб ўрганишни назарда тутадиган фонетик, лексик, грамматик ҳамда стилистик таҳлиллар киради.

Т.Қудратов ва Т.Нафасовлар ўзларининг “Лингвистик таҳлил” қўлланмасида лингвистик таҳлилнинг лексикологик ва фразеологик, фонетик, орфоэпик, морфологик, синтактик, пунктацион ҳамда стилистик турларини кўрсатиб ўтишган. Бизнинг фикримизча, лингвистик таҳлил биринчи навбатда тил бирликлари асосида амалага оширилиши лозим. Тилда мавжуд бўлган фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси ҳамда гап лингвистик таҳлилнинг асосини ташкил этиши лозим. Бунда экстралингвистик омилларни ҳисобга олиш лозим. Умумий тилшуносликнинг базавий соҳаларидан стилистика, аниқроғи лингвостилистика, лингвопрагматика, лингвокультурология ёки лингвомаданиятшунослик, лингвистик матншунослик, когнитив тилшунослик, гендер тилшунослиги ва шу каби соҳалар нуқтаи назаридан матннинг таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки таржиманинг мазмуни, ифодалилиги, унда миллий колоритнинг сақланиши, услуби ва жанрга мос келиши ва шу кабилар ҳақида фикр юритишда юқоридаги фанларда қўлга киритилган ютуқлар таржиманинг адекватлик ва муқобиллик даражасини белгилашда қимматли маълумотлар беради. Бундан ташқари таржима бирлигини аниқлашда таржима назариясига ўз ҳиссасини қўшади.

“Тилнинг асл қаймоғи, унинг ўзига хос хусусиятларини ва табиатини белгилайдиган, унинг камолот даражаси қандай эканлигини кўрсатадиган, бошқа тиллар орасида тутган ўрнини тайинлашда муҳим омил бўлган нарса – ундаги мақол, матал, идиома ва бошқа шу каби кўчма манолари бирикмалардир. Бундай бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишнинг ғоят мураккаб ва муҳим эканлиги бу масалани бадий таржима назариясининг асосий муаммолари қаторига киритишга сабаб бўлмоқда” – деб ёзган эди Ғ.Саломов ўзининг машҳур асариди. Дарҳақиқат, бадий асарда образлиликни таъминловчи мақол, матал ва фразеологизмларнинг бадий таржимада берилиши таржимашуносликнинг долзарб мавзуларидан ҳисобланади. Зеро, бир халқнинг бадий тафаккури, миллий ўзига хосликлари акс этган бундай бириклар барча мураккабликлари билан таржимани қийинлаштирувчи омил саналади. Фразеологик бирикларнинг ишончли муқобиллар воситасида берилмаслиги таржиманинг қусури бўлиб, асардаги фикрнинг таржимада етарли талқин қилинмаслигига олиб келади.

Ғ.Саломов бунга ўхшаш ҳолатлар хусусида шундай ёзган эди: “Кўчма маъноли бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолларда ҳам уларнинг образли асослари айнан мувофиқ келадиган бир вариант билангина таржима қилиш баъзан сунъийликка олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам муқаррар равишда бундай бирикмаларни асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа муқобил вариантлар билан кўр-кўрона алмаштиравериш услуб чалкашлигига, таржима тилининг чегараланиб, қашшоқ бўлиб қолишига, бир хил қолипдаги сийқаси чиққан мақол ва идиомаларнинг узлуксиз такрорланишига олиб келади”. Мисол учун: “Етим қўзи асрасанг оғзи бурнинг мой бўлур, етим бола асрасанг оғзи бурнинг қон бўлур. Бу нонкўрни меҳмон-меҳмон деб азизлайвериб, бошимизга чиқариб олмайлик тагин”. Парчадаги

биринчи гап машхур ўзбек мақоли бўлиб, унда ўзбек халқининг миллий ўзига хослиги акс этган. Бу ерда етим бола асраш керак эмаслиги уқтирилмайди, аксинча, уни асрабавайлаш, яхши инсон қилиб тарбиялаш мушкул эканлиги, буни ҳар ким ҳам эплай олмаслиги таъкидланади. Таржимавий мувофиклик яратиш учун турли тиллар воситаларини киёсий ўрганиш, бадиий матннинг эстетик ўзига хослигини, унинг таъсирчан ва образлилигини таъминловчи услубий ва прагматик хусусиятларни аниқлаш тақозо этилади. Тил бирликларининг услубий бўёқ касб этиш хусусияти турли жуфт тиллар бирликларининг мазмуний-услубий ва прагматик жиҳатлардан ўзаро мос келиш-келмасликлари тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради. Таржиманинг бундай таҳлили мазкур соҳадаги тасаввур ва қарашларни бойитади. Аслият ва таржима матнлари мазмунининг ўзаро мос келиши таржиманинг асосий шарт ҳисобланади. Таржима тилида аслият тили лексик бирликларининг коннотатив маъносини ҳам ҳисобга олишнинг аҳамияти тўлақонли таржимага эришишнинг омилидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: Фан, 1961.
2. Ёқубов Одил, Адолат манзили. Қиссалар, ҳикоялар, эссе. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти – “Ҳазина”, 1996. – 320 б.
3. Кубрякова Е.С. Роль словообразования и формирование языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. С. 141 – 172 с.
4. Миронова Н.Н. Структура оценочного дискурса: Автореф. дис... докт. филол. наук - М.: МПУ, 1998. - 44 с.
5. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологию. – М.: Прогресс, 1993. – 303 с.
6. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. - М.: Языки русской культуры, 1996.
7. Sadullaeva N., Saparova D. Analysis of Eponyms in the Terminology of Dermatovenerology //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 452-459.
8. Sadullaeva, N., & Bakhtiyorova, M. (2021). Reflection of Onomastic Principles in Naming. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3001-3007.
9. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 3008-3020.
10. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 4943-4952.
11. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(S1), 573-578.
12. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – Т. 3. – №. 08.05. – С. 187-190.

13. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTONIC DISCOURSE.
14. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory And Its Reflection In French Phraseology." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 2883-2889.
15. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
16. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
17. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into “Historical Memory” in French and Uzbek Linguistic Traditions." *American Journal of Public Diplomacy and International Studies* (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
18. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing “Historical Memory” In Uzbek and French Languages." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
19. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development* 2.11 (2023): 490-492.
20. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." *Академические исследования в современной науке* 2.17 (2023): 165-169.
21. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." *Academic research in educational sciences* 3.5 (2022): 1176-1182.
22. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(6), 879-884.
23. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." *O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023,[1/4]* (2023).